



UZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI



UZBEKISTON RESPUBLIKASI  
PEDAGOGIKA  
INSTITUTI

# **BAQTRIYA-TOXARISTON BUYUK IPAK YO'LIDA**

**XALQARO MIQYOSIDAGI ILMIY-AMALIY ANJUMAN**

## **БАКТРИЯ-ТОХАРИСТАН НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

## **BACTRIA AND TOKHARISTAN ARE ON THE GREAT SILK ROAD**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC PRACTICAL CONFERENCE**

### **XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA MATERIALLARI**

**TERMIZ - 2022**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETINING  
PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**TARIX, SAN'AT VA SPORT FAKULTETI  
"TARIX FANLARI" KAFEDRASI**

**"BAQTRIYA – TOXARISTON BUYUK IPAK YO'LIDA"  
mavzusida Xalqaro miqyosidagi ilmiy – amaliy anjuman  
maqolalar to'plami**

**Termiz-2022**



оширилиши нафакат иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, мавжуд улкан сайёҳлик салоҳиятидан фаол фойдаланишга қаратилиши лозим. Биз қайта тиклаётган Буюк Ипак йўлида Самарқанд, Бухоро ва Хива каби бир неча минг йиллик тарих ва бой маданиятга эга бўлган шаҳарлар жойлашган” [4] -деган эди. Айни вақтда аجدодларимиз тарихи ва кадриятлари тикланаётганлиги мустақиллигимизнинг ажойиб самарасидир. Халқимизнинг кечмиши, тарихи ва ҳаётини ақс эттирган асарларнинг ўз она тилимизда нашр этилгани қувончимизга қувонч қўшимоқда. Эндиликда ўғимизимизнинг кўпгина саҳифалари, ҳужжатлар, кўлзма материаллари биринчи манбалар асосида ёритилмоқда. Тарихий кадриятлар ва ҳақиқатлар асл манбаларга таяниб тикланмоқда. Уларнинг ҳаммаси тарихий адолатнинг буёқ ғалабаси тантанасидир. Буёқ аجدодларимиз томонидан яратилган юксак маданият ва илмий кашфиётлар жамиятимизнинг олий кадрияти бўлган инсон дунёқарабини шакллантириши ва ривожлантиришида катта аҳамият касб этади. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Буёқ тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”.[5]

Хуллас, “Буёқ Ипак йўли” Марказий Осиё халқлари сиёсий, иқтисодий, маданий ва савдо соҳасидаги ҳаётида катта ўрин тутган. Бир сўз билан айтганда Буёқ Ипак йўли Шарқ ва Ғарб халқлари ҳаётида ғоятда муҳим ва тарихий ўрин тутади. У халқларни сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий соҳаларда боғлабгина қолмасдан балки айни замонда бу йўл дунё халқлари ўртасида тинчлик, осойишталик, кўшниччилик, дўстлик ва қардошларга биродарлик йўли ҳам бўлган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т., “Ўзбекистон”, 2019, 1-жилд, 408, 410 б.
2. Ш.Мирзиёев. Таълим ва маърифат-тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. Т., “Ўзбекистон” 2019 йил, 1-жилд, 29 б.
3. Жўрасев Н. Ўзбекистон тарихи. 3-китоб. - Т: Шарқ, 2011, 673 б.
4. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. - Т., 1999, Цивилизации, культура, государственности Центральной Азии. - Т;2005
5. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. - Т., 1994.

### **БУЮК ИПАК ЙЎЛИ УСТИДА ҚУРИЛГАН ЭРНАЗАР ЭЛЧИ МАДРАСАСИ ВА УНИНГ ХАТТОТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРИХИ**



*Хўсен Хайруллаевич Джўраев  
Бухоро давлат университети  
“Ислам тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа”  
кафедраси доценти, (PhD).  
Бухоро Ўзбекистон*

Бухоро Шарқдаги беназир шаҳар, бежизга уни Ислам маданиятининг булоғи демайдилар. Бу обидалар мукамал илмлар асосида бунёд этилган, буларнинг замирида риёзиёт, кимё, ҳандаса, сингари аниқ фанларнинг ўзгармас қонунилари ётади. Ноёб ёдгорликларнинг хатто ташқи кўринишида ҳам гўзал синоатлар бор. Уларга шунчаки жим-



жима учун эмас илмлар ҳикмати бўлиши, ёзув санъатининг бетакрор намуналарини муҳрлаш учун алоҳида безак берилган.

Бухородаги Чор Минор пойдеворида Мавлоно Абдурахмон Жомий томонидан Бухоро васфига битилган, “Тухфат ул-ахрор” дostonидан келтирилган парчада: “Шарифлик макоми Аллоҳнинг изни билан охириги марта Бухорога насиб этди”, - дейилади. Ушбу фикрдан маълум бўладики: “Шарифлик макоми, яъни: Бухорода хаттотлик санъатининг тошга урилган муҳридир”-деди, хаттотлик санъати юксак баҳоланган.

Бухорода китобат ҳамда хаттотлик санъатининг ривожланиши, таракқий этиши дунё илм-маърифатига таъсир этди. Жумладан, Ўрта Осиёда, айниқса, Бухоро ҳамда Хоразмда маданий-илмий тафаккур бекиёс барқ уриб гуллаган. Жаҳонга танилган ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний сингари улуғ мутафаккир олимлар даҳосидан ҳозиргача башарият баҳраманд бўлиб келмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш зарурки, бу порлоқ давр Ўрта Осиёда мавжуд бўлган бухорийлар, хоразмийлар ва суғдийларнинг узоқ асрлик бой маданиятининг қонуний таракқиётидан иборат бўлган. Араб ёзувида китобат қилинган минг йиллик маданий мерос наслдан-насла қўлёзма шаклида ўтиб келган. Шу қўлёзма китоблар туфайлигина Ўрта Осиё халқлари ота-боболари яратиб қолдирган маданий меросдан баҳраманд бўлганлар.

Бухоро хаттотлик мактабининг ривожланишига ҳисса қўшган хушхат моҳир хаттот Эрناзар Элчи, Мулла Муҳаммад Эрназарбий Максуд ўғли (XVIII аср, Бухоро)-Бухоро амирлигининг Россияга юборган элчилари раҳбари ҳамда йирик савдогари бўлган. У мадрасада ўқиб хаттотлик, дин ва дунёвий илмларни пухта эгаллаб, 1745 йилдан бошлаб, Россияга бир неча марта тижорат мақсадида бориб, император Елизавета Петровна қабулида бўлган. Кейинчалик Бухоро ҳукмдори Дониёлбий оталиқ томонидан Россияга юборилган 2 та элчилик миссияси (1774-1776 ва 1779-1780) га бошчилик қилган.

Бухоронинг марказий кўчаларидан бирида, улкан Кўкалдош мадрасаси ва Шоҳсанам масжиди олдида кўримсизгина, лекин, меъморий ечими билан ўзинга хос Эрназар Элчи мадрасаси бўлган. Икки қаватли бу иншоот оқ мармардан қурилган ва шарқона безаклар билан жиловланган. Ички ҳовлиси кенг бўлиб, мударрислар ҳамда талабалар учун хоналар ҳамда хужралардан иборат бўлган. Мазкур мадрасанинг қурилиш тарихи ҳақида эса турфа хабарлар оғиздан оғизга кўчиб юради.

Улардан биринчиси ҳамда энг оммалашгани Россия подшоҳ хоними Екатерина II томонидан ажратилган маблағ эвазига Эрназарбий томонидан тиклангани ҳақидаги хабардир. (Эрназар элчи мадрасаси ўтган асрнинг 1950 йилларида коммунистлар томонидан бузиб ташланган.) Бухоро ҳукмдори Шоҳ Муродхоннинг буйруғи билан Мулла Эрназарбий бошчилигидаги делегация Петербургда боради ҳамда Екатерина II билан музокаралар олиб боради. Айни музокараларнинг муваффақиятли якунида катта миқдордаги хайрия маблағи ажратилади.

Шарқшунос олим Н.В.Ханьков мазкур мадраса Екатерина томонидан барпо этилганини таъкидласа, Г.Пославский ўз қайдларида мадраса Екатерина томонидан ажратилган 40.000 рублга Эрназар Элчи томонидан қурилгани ёзилади. Лекин, 1883 йилда Бухорода бўлган В.В.Крестовский “Бухоро амири ҳузурда меҳмонда” китобида бу хусусда тўхталиб ўтган. Унинг айтишича: “Эрназар эшон камбағал оиладан чиққан ва умрини илм олишга сарфлаган. Унинг орузи эса мадраса қуриб ёшларга таълим бериш бўлган.

Хаттотлик ва мударрислик қилиб топган пуллари эвазига Эрназар эшон Лаби Ҳовуз ёнида мадраса қуришга киришади. Бироқ, старлича маблағ тошмай қурилиш бир муддат тўхтаб қолади. Екатерина II ҳузурига ташрифдан сўнг бу қурилиш ишлари якунига етади.”

Мулла Эрназарбийга келадиган бўлсак, у дунё кўрган мутараққий киши сифатида мамлакатининг нақадар қолоқ аҳволда қолганини ҳис қилган ҳамда уни ривожлантириш учун Гарб мамлакатлари ва Усмонли султонлиги билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш зарурлигини Бухоро ҳукмдорларига тушунтира олган. Унинг элчилик мақомидаги юришлари гарчи муваффақиятсизлик билан якуни топган бўлса-да, тадбиркорлик билан тўплаган



маблаглари эвазига Бухоро марказида ўзи орзу қилган мадраса қурилган. Афтидан, қурилиш ишларини ўгли Муҳаммад Шариф охирига етказган.

Оқорида айтиб ўтилганидек, Эрназар Элчи мадрасаси Екатеринанинг хайрия пулларига эмас, балки, Эрназарбийнинг ҳалол ишлаб топган маблагига қурилган. Эрназарбий Элчи ўз даврининг энг қудратли давлати подшоҳи билан муваффақиятли музокара олиб борган моҳир дипломат, мазлум халқи учун таълим муассасаси қуришдек эзгу ғояси учун ўз жонини гаровга тиккан маърифатпарвар ва хаттот сифатида тарихда ном қолдирган. Бухоро давлати дипломати Кичик Осиёда тарқалган ўлатга чалиниб Туркиянинг Конья шаҳрида 1781 йилнинг сентябрь ойида вафот этган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Бухарские посольства при дворе Екатерины II // Исторический вестник, № 2. 1897” нашридаги мақоладан.
2. Бойтуллаев Р., Остонова Г. Мозий дафтарида саҳифалар. – Т.: O‘zbekiston. 2010. – Б. 17.
3. Жўраев Х, Беназир санъат мутоаласи. – Т.: Наврўз. 2014. – 124 б.
4. Жўраев Х. Бухоро хаттотлик мактаби тарихи ва унинг маданий ҳаётга таъсири. Самарқанд “Имом Бухорий Халқаро илмий маркази.” – 2019. 204 б.
5. Хусенов С., Ражабова И. Чор Бакр. – Т.: Шарқ. 2001. – Б. 4.

### **ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ҒАРБИЙ СУҒДИНИНГ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИДАГИ АЙРИМ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАР**



*Азимхўжа Отақўжаев,  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон ФА Тарих институти бош илмий ходими  
Тошкент Ўзбекистон*

Бир неча асрлар давомида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган давлатлар нафақат сиёсий, балки минтақада кечган мураккаб этник жараёнларга ҳам таъсир кўрсатган.

Хусусан, минтақа тарихининг илк ўрта асрлар (V-VIII аср биринчи ярми) босқичи ўзига хос бўлиб, III–IV асрлардаги Кушон ва Қанг каби давлатлар таназзули, сиёсий жиҳатдан мустақил ва маҳаллий маъмурий бошқарувиغا эга давлатларнинг вужудга келишига имкон яратган. Бу янги типдаги давлатларнинг сиёсати ва иқтисоди учун маҳаллий маъмурий бошқарувнинг қай тарзда амалга оширилиши муҳим ўрин тутган [1].

Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутган Суғд тарихий-маданий вилояти ва унинг таркибий қисми бўлган Ғарбий Суғд-Бухоро [2] воҳасининг илк ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий тарихини ўрганишнинг ўзи алоҳида бир мавзу саналади.

Салмоқли ва нисбатан аниқроқ маълумот берувчи илк ўрта асрларга оид Хитой манбаларига кўра, Хан империяси даврида (мил. авв. 206-мил. 220 йиллар) Қанг давлатини, яъни Суғдни келиб чиқиши ручжи (юзэчи) лардан бўлган ҳукмдорлар-ванглар бошқарган. Уларнинг номи ўзлари келган Чжову шахри билан боғлиқ бўлиб, “ванг” унвони хитойликлар анъанасига кўра, маҳаллий ҳокимликларга берилган [3]. Шу маънода чжовуларнинг Қан хонадони вакилларида Самарқанд ихшидлари сулоласи, Бухоро, Хоразм, Кушония ва Марв каби мулкларнинг ҳукмдорлари етишиб чиққан. Хусусан, Бухородаги сулоланинг 22 вакили 400 йил давомида воҳада ҳукмронлик қилган. Мазкур сулола ҳамда кейинчалик Марказий